

Қалб кўзини катта оч,

ГАЛАОСИЁ ОВОЗИ

Газета
1957 йил
1 июлдан
чиқа
бошлаган

ГАЛАОСИЁ ОВОЗИ

Сессия

Ҳоким мурожаати тингланди

Жорий йилнинг 11 декабрь куни Халқ депутатлари Бухоро тумани Кенгашининг ўн саккизинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, тегишли мутасадди ташкилотлар, ҳудуд секторлари раҳбарлари, оммавий ахборот вакиллари ҳамда блогерлар қатнашдилар. Кун тартибидаги асосий масала, яъни 2020 йилда амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда 2021 йилда Бухоро туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар юзасидан Бухоро тумани ҳокими Хайрилло Жўраевнинг ахбороти тингланди.

Таъкидландики, жорий йил дунё миқёсида авж олган коронавирус пандемияси давридаги мураккабликларга қарамадан, туманинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, иқтисодий тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминловчи кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган ислохотлар натижасида халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида инқирозга дуч келмаслик чоралари кўрилди. Натижада жорий йилда Бухоро туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 534,6 миллиард сўм ёки 107,1 фоизга, халқ истеъмолчи моллари 338 миллиард сўм ёки 100,3 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 392,1 миллиард сўм ёки 108,7 фоизга, чакана савдо ҳажми 508,6 миллиард сўм ёки 100 фоизга бажарилди.

Иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик кўрсаткичлари бўйича Бухоро туманида йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида аҳоли жон бошига ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 миллион сўмга, хизматлар ҳажми 2,3 миллион сўмга, чакана савдо хизматлари 3,04 миллион сўмга тўғри келди.

Бухоро тумани бўйича 2020 йил

учун маҳаллий бюджетга 35,5 миллиард сўм тушум режаси белгиланган бўлиб, йил якунига 107 фоизга, яъни 38,2 миллиард сўмга кўп тушум таъминланади. Жорий йилнинг ноябрь ойидан 2021 йилнинг май ойига қадар аҳолини асосий турдаги қишлоқ ҳўжалик (картошка, пиёз, сабзи ва гуруч) маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, бозор ва савдо мажмуаларида бу маҳсулотлар чакана нархларининг ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз, вилоят ҳамда туман ҳокимлигининг захирага ғамлаш бўйича қабул қилинган қарорларига мувофиқ, тайёрловчи корхоналар ҳамда ижтимоий соҳа ташкилотлари томонидан жами 1587 тонна, шундан 835 тонна картошка, 337 тонна пиёз, 264 тонна сабзи ва 151 тонна гуруч маҳсулоти захирага жамғариш режалаштирилган бўлиб, амалда 10 декабрь ҳолатида режалаштирилган 1587 тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тўлиқ жамғарилди.

2020-2021 йиллар инвестиция дастури доирасида бугунги кунга қадар қиймати 304 миллиард сўмлик 33 та лойиҳалар амалга оширилиб, уларда 691 та янги иш ўринлари яратилди. 2020 йил январдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дасту-

рини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4563-сонли қарорга асосан 2020 йилда 3 та хорижий капитал иштирокидаги лойиҳалар доирасида жами 30 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган эди.

Бугунги кунга қадар 31,5 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, йил якунига қадар жами 32,5 миллион АҚШ долларидан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилиши ва йиллик прогноз кўрсаткичи 108%га бажарилиши кутилмоқда.

Туманда кичик тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва фаолиятини кенгайтиришда кичик саноат зоналарининг ўрни жуда муҳим ҳисобланади. Бухоро тумани “Мустақиллик” МФЙ ҳудудида 2,1 гектар ер майдонида 11 та лотдан иборат кичик саноат зонаси ташкил этилди. Мазкур саноат зонасида умумий қиймати 13,1 миллиард сўм инвестиция киритиш ҳамда 124 та янги иш ўринлари яратиш шарти билан 10 та ташаббускорга бўш ер майдонлари ажратилди. Бугунги кунда 4 та ташаббускор томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Келгусида мазкур йўналишда ишларни давом эттирган ҳолда янги кичик саноат зонаси, айниқса “Ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил этиш бўйича ер танлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 июлдаги ПҚ-3843-сонли “Бухороагро” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Бухоро тумани Асад Шокиров массивидан 500 гектар ер майдони замонавий иссиқхоналар қуриш учун “Бухороагро” ЭИЗга ажратиб берилган. Ҳозирда иссиқхоналар қуриш учун 71 та лойиҳа ташаббускорларига қиймати 209 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 324 гектар ер майдони ажратиб берилган бўлиб, шу кунга қадар 87 гектар иссиқхоналар ишга туширилди ва 798 дан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди. 2021 йил 1 чорагида 6 та тадбиркорлик субъектлари томонидан 14 гектар ер майдонидаги иссиқхоналарда олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, ишга туширилиши ҳисобига яна 135 та доимий ва мавсумий янги иш ўринлари яратилиши кутиляпти. Келгуси йил якунига қадар яна 18 та лойиҳалар доирасида 117 миллион долларлик 93 гектар ер майдонида замонавий иссиқхоналар барпо этилиб, 495 та янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, туманда жорий йилда 518 та янги бизнес субъектлар ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу кўрсаткич январь-ноябрь ойлари учун белгиланган 486 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш режаси амалда 504 та ёки режа 104 фоизга бажарилди.

Ушбу ташкил этилган субъектлар ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра 262 та масъулияти чекланган жамият, 34 та хусусий корхона, 198 та оилавий корхона, 1 та унитар корхона, 9 та ишлаб чиқариш кооперативини ташкил қилади.

(Давоми 2-бетда).

Халқ депутатлари Бухоро тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси қарори

Халқ депутатлари Бухоро тумани Кенгашининг бўшаб қолган 7-“Лоша”, 9-“Чорбакр”, 20-“Дўстлик”, 25-“Туркон” сайлов округларида депутатлар сайловини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Сайлов Кодекси”нинг 93-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги 1033-сонли “COVID-19” пандемияси даврида бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда Халқ депутатлари Бухоро тумани Кенгашининг бўшаб қолган 7-“Лоша”, 9-“Чорбакр”, 20-“Дўстлик”, 11-“Туркон” сайлов округларида депутатлар сайловини ўтказиш мақсадида Халқ депутатлари Бухоро тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Бухоро тумани Кенгашининг бўшаб қолган 7-“Лоша”, 9-“Чорбакр”, 20-“Дўстлик”, 25-“Туркон” сайлов округларида депутатлар сайловини 2020 йил 10 январь—яқшанба куни ўтказилсин.

2. Халқ депутатлари Бухоро тумани Кенгашининг бўшаб қолган 7-“Лоша”, 9-“Чорбакр”, 20-“Дўстлик”, 25-“Туркон” сайлов округларида депутатлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари Бухоро тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси сайловини Ўзбекистон Республикаси “Сайлов Кодекси”нинг

93-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги 1033-сонли “COVID-19” пандемияси даврида бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қарори талаблари асосида ўтказилишини таъминлансин.

4. Ушбу қарор Бухоро тумани ҳокимлиги веб-сайтида ва “Галаосиё овози” туман газетасида эълон қилинсин.

П.ХОЛОВ,

Халқ депутатлари Бухоро тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси раиси.

Галаосиё шаҳри, 2020 йил 2 декабрь.

Жараён Раҳбар ва ёшлар учрашуви

Яқинда Галаосиёдаги “Маликбод” тўйхонасида вилоят ва туман раҳбарларининг ёшлар билан учрашуви ўтказилди. “Раҳбар ва ёшлар учрашуви” деб номланган тадбирни туман ҳокими Х.Қ.Жўраев қисқача кириш нутқи билан бошлаб берди. Ёшларни ишга жойлаштириш, банкдан имтиёзли кредит олиш тартиблари, чорвачиликни ривожлантириш масалалари бўйича мурожаатларга раҳбарлар муносабати тингланди ва йигит-қизларга астойдил ёрдам берилди.

“ГАЛАОСИЁ ОВОЗИ” — ҲАР БИР ХОНАДОНГА!

2021 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ



Севимли “Галаосиё овози” газетаси йил давомида Сизнинг хизматингизга тайёр. Унда туманимиз, вилоятимиз, мамлакатимиз ва дунёда содир бўлаётган энг характерли воқеа-ҳодисалар, янгиликлар тафсилоти ёритилади. Шу билан бирга маданий-маърифий мавзулардаги мақолалар, шеърлар, ҳикоялар, хандаю латиқалар, рекламаю эълонлар ҳукмингизга ҳавола этилади.

Демак, газетанинг ҳар бир нусхаси ҳафта давомида доимий ҳамроҳингизга айланади.

2021 йил давомида газетанинг 48 та сони босилади. Йиллик обуна баҳоси — 200 минг сўм. Почта ва “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси хизмат харажатлари бунга қўшилади.

Газета индекси: 332.

“ГАЛАОСИЁ ОВОЗИ” ГАЗЕТАСИГА 2021 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

